

**ЭНТЕРОВИРУСЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ А КАСАЛЛИГИНИНГ
КЎП ЙИЛЛИК ДИНАМИКАСИНИ ЎРГАНИШ ВА ИХТИЁРИЙ ЭМЛАШ
САМАРАДОРЛИГИГА БАХО БЕРИШ**

Маматқулова Махбуба Тожиалиевна

Рўзиева Ёрқиной Равшановна

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Эпидемиология ва юқумли касалликлар кафедраси

Аннотация: *Бугун ота-оналарнинг иммунизацияга нисбатан барқарор ишончини ва юксак даражадаги хайрихоҳлигини таъминлаш учун қатъий қадамлар қўйилиши тақозо этилмоқда. Иммунизациянинг ва касалликларга қарши курашишнинг вазифалари бажарилиши ҳақида мулоҳаза юритишни таъминловчи юқори сифатли эпидемиологик ва лаборатория маълумотлари кўрсаткичларини яхшилаш йўли билан кутилган натижаларга эришиш мумкин.*

Annotation: *For today the relation of parents to immunization rather stable both are put high the requirement and benevolent and confidential relations are provided. Struggle against illnesses with помощью for achievement of good results can be improved immunizations with helps high-quality epidemiological and laboratory day.*

Калит сўзлар: *элиминация, ликвидация, вакцинация, иммунизация, стратегия.*

Key words: *elimination, liquidation, vaccination, immunization, strategy.*

Мавзунинг долзарблиги: Юқумли касаликлардан вирусли гепатитларнинг ахоли ўртасида тарқалиши улардан кейин юзага келадиган асоратлар хозирги кунда асосий муаммолардан бири бўлиб хисобланмоқда. Касалликни эпидемиологик хусусиятлари ва ретроспектив тахлилларига асосланиб ушбу касаликка қарши 2014 йилнинг ярмидан бошлаб ихтиёрий эмлаш жорий этилган.

Ҳозирги вақтда аксарият юқумли касаликларга қарши кураш борасида эришилган ютуқлар замирида иммунопрофилактика тадбири салмоқли ўрин тутди. (Жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Хавсиз иммунизация" дастури. Тошкент 2014.)

Жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юқумли касалликларга қарши курашиш, уларни элиминация қилиш ва айрим инфекцияларни истиқболда батамом йўқотиш (ликвидация) Дастури айнан иммунопрофилактикага асосланади. Болаларни оммавий тарзда эмлаш юқумли касаликлар билан касалланиш ва болалар ўлимини сезиларли даражада камайтириш, кишилар умрини узайтиради, фаол кексаликни таъминлайди ва айрим антропонозларни батамом бартараф этиш имконини беради. Хозирги кунга келиб жахонда 40 дан зиёд юқумли касаликларга нисбатан кураш иммунизация воситасида муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Келажакда

иммунопрофилактика нафақат қатор юқумли касаликларнинг ликвидациясига қаратилади, балки аста секинлик билан мазкур дастур ёрдамида муҳофазалаш амалиёти тобора кўпроқ инфекцияларга нисбатан тадбиқ этила боради. Яқин келажакда соғлиқни сақлаш амалиётига қатор янги вакциналар киритиладики, оммавий тусда уларни қўллаш қўшимча равишда миллионлаб кишиларни ҳаётини сақлаб қолиш имконини беради. Ўзбекистонда иммунизация Дастурини амалга ошириш борасида муайян ютуқларга эришилган. Юқумли касаликларга қарши иммунизация давлатимизнинг фуқоролар, аввало, болалар саломатлигига нисбатан кенг кўламли ғамхурлигининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон Республикасида иммунопрофилактика Стратегияси амалдаги қонунларга, ЖССТ тавсияларига асосланган ҳамда қулай, бепул ва аҳолини кенг қатламларини қамраб олишга қаратилган. Юқумли касаликлардан вирусли гепатитларнинг аҳоли ўртасида тарқалиши улардан кейин юзага келадиган асоратлар ҳозирги кунда асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Вирусли гепатит А касаллиги маиший-мулоқот йўли билан юқиб асосан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида кўп учрайди. Ҳозирги кунларда юқумли касалликлар ўртасида гепатит А касаллигини улуши салмоқли ўринлардан бирини эгалламоқда Касалликни эпидемиологик хусусиятлари ва ретроспектив таҳлилларига асосланиб ушбу касаликка қарши ихтиёрий вакцинация жорий этилган.

Тадқиқот мақсади. Фарғона шаҳар ҳудудида вирусли гепатит А касалигининг динамикасини ва эмлаш ишларининг самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Фарғона шаҳар бўйича вирусли гепатит касалигини 2012-2021 йиллар учун 10 йиллик солиштирма ахборот таҳлили.

2012 йилда жами абсолют кўрсаткичда 619, интенсив кўрсаткичда 241,9 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 566, интенсив кўрсаткичда 820,7; 2013 йилда жами абсолют кўрсаткичда 668, интенсив кўрсаткичда 249,6 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 590, интенсив кўрсаткичда 821,6 Жами ўсиш 2012 йилга қараганда 2013 йилда жами +3,1% болаларда +3,1% ўсиш кузатилган. 2014 йилда жами абсолют кўрсаткичда 898, интенсив кўрсаткичда 311,6 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 571, интенсив кўрсаткичда 1022,7; 2013йилга қараганда 2014 йилда жами +24,8% болаларда +24,5% ўсиш кузатилган. 2015 йилда жами абсолют кўрсаткичда 495, интенсив кўрсаткичда 172,5 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 423, интенсив кўрсаткичда 585,6; 2014 йилга қараганда 2015 йилда жами -44,6%, болаларда -43,9% камайиш кузатилган. 2016 йилда жами абсолют кўрсаткичда 424, интенсив кўрсаткичда 152,8 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 394, интенсив кўрсаткичда 512,0; 2015 йилга қараганда 2016 йилда жами -11,1%, болаларда -12,7% камайган. 2017 йилда жами абсолют кўрсаткичда 350, интенсив кўрсаткичда 117,2 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 328, интенсив кўрсаткичда 332,9; 2016 йилга қараганда 2017 йилда жами -23,3% болаларда 24,4% камайган. 2018 йилда жами абсолют

кўрсаткичда 399, интенсив кўрсаткичда 130,8 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 362, интенсив кўрсаткичда 434,4; 2017 йилга қараганда 2018 йилда жами +11,6%, болаларда 12,1 % кўпайган. 2019 йилда жами абсолют кўрсаткичда 274, интенсив кўрсаткичда 87,5 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 241, интенсив кўрсаткичда 265,1; 2018 йилга қараганда 2019 йилда жами -33,2%, болаларда -38,9% камайган. 2020 йилда жами абсолют кўрсаткичда 148, интенсив кўрсаткичда 47,1 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 127, интенсив кўрсаткичда 130,7; 2019 йилга қараганда 2020 йилда жами -46,4%, болаларда -2,0 мартага камайган. 2021 йилда жами абсолют кўрсаткичда 27, интенсив кўрсаткичда 8,4 шундан болалар абсолют кўрсаткичда 16, интенсив кўрсаткичда 16,0; 2020 йилга қараганда 2021 йилда жами 5,6 марта, болаларда 8,2 марта камайган.

Юқоридаги солиштирма тахлилдан кўриниб турибдики 2012-2013 йилларда касалликни бир хилда яъни +3,1% кутарилиши, 2013-2014 йилларда болаларда сезиларли равишда яъни +24,5% кўтарилиши, 2014-2015 йилларда эса динамикада пасайиш -45,9% пасайиш, 2015-2016 йилларда эса болаларда -12,6% пасайиш, 2016-2017 йилларда эса болаларда -24,4% пасайиш, 2017-2018 йилларда эса динамикада +12,6% кўтарилиш, 2018-2019 йилларда сезиларли -38,9% камайиш, 2019-2020 йилларда бошқа йилларга нисбатан -46,4 камайиш, 2020-2021 йилларда -5,6 % пасайиш кузатилган.

2014 йилдан ихтиёрий эмлаш бошланиши муносабати билан касалланиш динамикасида бирмунча пасайиш кузатилмоқда. Касалликни кўп йиллик динамикасин ўрганадиган бўлсак 2012-2021 йиллар яъни 10 йил давомида жами касалланганлар сони 4324 нафарни ташкил этган. 2012 йилда касалланганлар сони 619 нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда касалланганлар сони 27 нафарни ташкил этмоқда.

Хулоса: Юқоридагилардан келиб чиқиб вирусли гепатит касаллиги маиший мулоқот орқали юқишини хисобга оладиган бўлсак касаликка қарши иммунизация ўтказиш уюшган жамоаларда, мактаб, мактабгача таълим муассасаларида юқори даражада кенг қамровда ўтказилиши керак. (Миртазаев О.М. Эпидемиологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма Т. 2003 й.) Хозирги кунда ахолининг тиббий маданияти ошиши муносабати билан фарзандларининг соғлигига алоҳида эътибор бериб ихтиёрий равишда эмлашга олиб келмоқдалар. Аҳоли иммунизация хизматидан (ИХ) дан қай даражада хабардор ва уни қандай баҳолашни, иммунизация сессияларига қатнашиш, қамраб олишнинг маҳаллий кўрсаткичи, ИХ учун ҳалақит қилувчи ҳолатлар (хизмат кўрсатишга, бохабарликка, аҳоли муносабатига доир), жумладан: хизматнинг қулайлигига таъсир этувчи омиллар (жойлашув, даврийлик, жадвал) аҳоли ИХ ва соғлиқни сақлаш тизими билан қай даражада алоқага эғалигини тушунтириш керак. (Жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Хавсиз иммунизация” дастури) Аҳолидан иммунизация тадбирини ўтказишда қай йўсиндаги иштирокни

кутиш мумкинлиги хақида аҳолини бохабар қилиш орқали ихтиёрий иммунизацияни гепатит А касаллигини олдини олишдаги ахамиятини кўришимиз мумкин. Хозирги кунда аҳолининг тиббий маданияти ошиши муносабати билан фарзандларининг соғлигига алоҳида эътибор бериб ихтиёрий равишда эмлашга олиб келмоқдалар Аҳолидан иммунизация тадбирини ўтказишда қай йўсиндаги иштирокни кутиш мумкинлиги хақида аҳолини бохабар қилиш орқали ихтиёрий иммунизацияни гепатит А касаллигини олдини олишдаги ахамиятини кўришимиз мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 18. Маматқулова Махбубахон Тожиалиевна //Фекал орал механизм билан юқувчи ичак инфекцияларининг эпидемиологик тахлили// Журнал «Студенческий вестник» № 17 (67), часть 4, 2019 г.

2. Маматкулова Махбуба Тожиалиевна //Изучение многолетней динамики заболеваемости вирусным гепатитом А и оценить эффективности вакцинации// «ИНТЕРНАУКА» Научный журнал № 15(144) Апрель 2020 г. Часть 1. 53стр

3. Mamatkulova Mahbuba //To Study Motion of the Grain Mixture on Sieve Surface// INTERNATIONAL JOURNAL OF ADVANCED RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY. Volume 7, Issue 3, March 2020.

4. Makhbubakhon Tojialievna Mamatkulova //Determination of Susceptibility of Bacterial Infections to Antibiotics and Prevention of Nosocomial Infections// International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29, No. 9s, (2020), pp. 4278-4282.

5. Рузибоева Ёркиной Равшановна, Каримов Азизбек Равшанбекович //Факторы, предрасполагающие к развитию рака шейки матки среди женьщин Ферганской области за период 2017-2021гг// Международный научно-практический журнал “Интернаука”. Вып №12 (235) 2022. 31-32 стр.

6. M.T.Mamatqulova, Y.R.Rosibayeva, S.T.Yulchieva, H.A.Rakhimova //Pregnancy During a Pandemic of Coronavirus Infektion Covid-19 Risks and Effects on the Unborn Child// 2023 International Conferense February 19-23, San Francisco, CA. record number #4222350

7. O.R Parpiyeva, Ostanaqulov A.D //Health theory// Международный научно-практический журнал “Форум молодых ученых”. Вып №6 (34) 2019. 26-29 page

8. Mamatkulova Makhbuba Tojalievna //THE ROLE OF CYTOGENETIC STUDIES IN CLINICAL MEDICINE// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Vol. 11 Issue 1, January 2021.

9. Makhbuba Mamatkulova // Early Prenatal Diagnosis And Prevention Of Birth Damage Development In Children (Spina Bifida - A Defect In The Development Of The Nervous System)// The American Journal of Medical Sciences and Pharmaceutical Research. Vol. 03. Issue 04-16. April 30, 2021. 117-126 pages.

10. Makhamad Tojalievich Toshboltaev1, Makhbuba Mamatkulova //NORMATIVE METHOD FOR THE SUBSTANTIATION OF THE COMPOSITION AND QUANTITY OF MACHINES